


Набий алайҳиссалом хурмони қандай еганлар?



15:35 / 11 апрель 1781

Пайғамбаримиз алайҳиссалом васалламнинг ҳузурига бир идишда хурмо олиб келишади. У зот еган хурмоларининг данагини муборак оғизларидан чиқариб кўрсаткич ва ўрта бармоқларининг орқа қисмига (расмдагидек) қўйдилар кейин чиқинди идишга ташладилар.

Бунинг сабаби ҳақида уламолар шундай дейишади: Данакни одатий ҳолда бармоқ учлари билан олганда бармоқда тупук қолади. Бу эса, ўша идишдан еётган кишининг ёнидагиларининг кўнглини айнитади. Шу боис, Пайғамбаримиз алайҳиссалом данакни бармоқларининг ишлатилмайдиган қисмига чиқариб кейин ахлатга ташлаганлар.

Шунингдек, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ейилган хурмо данакларини хурмо солинган идишга ташлашдан қайтарганлар.

Абдуллоҳ Раҳим